

## БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 283,8 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 44,2 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13 518,5 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 фоизга ошди.

2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,6 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторида жами бандлар улуши 82,2 фоизга ташкил қилди, 2016 йилнинг шу даврида 81,9 фоизни ташкил қилган.

### Давлат ва нодавлат секторида бандлар сони <sup>1)</sup>

(2017 йил январь-сентябрь)

	<i>Жами бандлар, минг киши</i>	<i>шу жумладан, жами сонига нисбатан фоизда</i>	
		<i>давлат секторида</i>	<i>нодавлат секторда</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>13 518,5</b>	<b>17,8</b>	<b>82,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	651,2	22,0	78,0
<b>вилоятлар:</b>			
Андижон	1 313,7	13,4	86,6
Бухоро	825,4	17,8	82,2
Жиззах	461,7	18,3	81,7
Қашқадарё	1 205,6	16,4	83,6
Навоий	423,9	35,6	64,4
Наманган	1 022,0	15,6	84,4
Самарқанд	1 525,1	14,3	85,7
Сурхондарё	1 000,7	16,8	83,2
Сирдарё	347,5	19,1	80,9
Тошкент	1 309,3	15,6	84,4
Фарғона	1 520,1	15,4	84,6
Хоразм	730,3	16,1	83,9
Тошкент ш.	1 182,0	28,4	71,6


Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан бандлар сонининг сезиларли даражада ўсиши ташиш ва сақлашда (3,3 фоизга), қурилишда (2,8 фоизга), ахборот ва алоқада (2,4 фоизга), савдода (2,3 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (2,3 фоизга) кузатилди.

<sup>1)</sup> Дастлабки маълумот

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш билан бандлар улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 27,1 фоизни, саноатда 13,5 фоизни, савдода 10,8 фоизни, қурилишда 9,4 фоизни, таълимда 8,2 фоизни, таълимда 8,2 фоизни ташкил этди.

### Иш билан бандларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Шунингдек, 2017 йилнинг январь–сентябрь даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг жами бандлардаги улуши 77,8 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь 77,6 фоиз бўлган).

**Ишсизлик<sup>2)</sup>.** 2017 йил сентябрь охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 10,4 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига (5,4 минг киши бўлган) нисбатан 94,4 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2017 йил январь–сентябрь ойларида 765,3 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,4 фоизни ташкил этди.

<sup>2)</sup> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида